Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 2 aprel, seshanba
№ 40 (14531)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Рес .убликаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республкаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

Олий Мажлисда 2 апрель куни соат 15.00 да "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 2 апрель куни соат 17.00 да бўлади.
Олий Мажлисда 3 апрель куни соат 11.30 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 14.30 да "Адолат" Социал-демкоратик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ — халқ фикр ва интилишларининг ифодачиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Давлат ҳокимиятининг кучли бўлиши учун унинг барча бўғинларида мутаносиб ишлашни таъминлаш керак. Фақат қудратли ҳокимиятгина халқнинг эҳтиёжларини қондириши, манфаатларини рўёбга чиқариши мумкин. Маълумки, суд тизимини ислоҳ этиш борасида катта ишлар амалга оширилди ва у янги босқичга кўтарилмоқда.



Эндиги навбат — қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимларидаги ислоҳотларни жадаллаштиришдан иборат.

Икки палатали парламентни шакллантириш ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади.

Икки палатали парламентда, айниқса унинг сайлов жараёни алоҳида эътибор талаб қилади. Мисол тариқасида Буюк Британия парламентини олайлик.

Бу парламент жаҳонда энг "кекса" парламент бўлиб, унга 1215 йилда асос солинган. У қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бетўхтов ишловчи идорасидир. Лордлар палатасида мингдан кўпроқ мэр бор ва сайлов натижаларига кўра тузиладиган жамоалар палатаси 650 кишидан иборат Лордлар палатасининг аъзолари тайинланади ва шу боисдан ҳам бугунги шароитда эскичадек кўринади.

Дунё мамлакатларининг кўпчилигида парламентлар юқори ва қуйи палатадан иборат бўлади. Юқори палата, одатда демократик бўлган қуйи палатани мувозанатлашга хизмат қилади.

АҚШ — парламентар ҳокимиятнинг яққол намунасидир. Бу давлатда ҳам ана шу унсурлар мувозанатни сақлайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Конгресс ва легислатуралар (штатларнинг қонун чиқарувчи йиғилишлари) амалга оширади.

Конгресс таркибига Сенат киради. Унга олти йил муддат билан 100 киши сайланади, ҳар икки йилда сенаторларнинг учдан бир қисми янгиланиб туради, Сенат таркибидаги вакиллар палатасига икки йил муддатга 435 киши сайланади, унга сайлов Президент сайланганидан кейин бир йил ўтгач, ўтказилади.

Умуман олганда икки палатали парламентни шакллантириш халқ истак ва интилишларининг ифодачиси бўла олади.

Чунки профессионал парламент жамиятдаги мавжуд сиёсий- ижтимоий қарашларни ўзида акс эттиради. Яъни, Олий Мажлиснинг қуйи палатаси партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Улар парламентда доимий ишлайди.

Энди масаланинг энг муҳим жиҳатига келадиган бўлсак, юқори палатани ўз ҳудудлари манфаатларини ҳимоя қиладиган вилоят, шаҳар ва туманлардаги маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ташкил этади.

Дунё тажрибасидан маълумки, федерация субъектлари одатда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида федерал парламентда махсус палатага эгалар.

Масалан, АҚШ Конгрессининг юқори палатасида Сенат, Германия парламентида — Бундестаг, Ҳиндистон парламентида — Штатлар Кенгаши, Мексика Конгрессида — Сенат шу вазифани бажаради. Лекин улар унитар давлатлардаги парламентларнинг юқори палатасидан жуда кам фарқ қилади. Чунки одатда, федерация субъектлари миллий давлат тузилмалари сифатида қаралмайди ва улар махсус манфаатларга эга эмас.

Демак, қуйи палатанинг асосий вазифаси — қонунларни ишлаб чиқиш бўлса, юқори палата бу ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиб, қарор қабул қилади. Бу эса, авваламбор, яратилаётган қонунларнинг сифатли ва мукаммал бўлишини, қонунлар ижод қилиш фаолиятининг самарадор бўлиши тезкорлигини таъминлайди. Халқ мазкур фаолият орқали ўз иродаси ва манфаатларининг мужассам ифодасини, адолат мезонини кўради.

Ўктам МУРОДОВ

ҚЎШ ТАДБИР ҚУВОНЧИ

Тошкент Молия институти қошидаги Молия лицейи мамлакатимизда ўз мавқеига эга илм даргоҳларидан ҳисобланади. 1997 йилда ташкил этилган ушбу лицейда ўтган йили ўқишни тугатган 150 нафар ўқувчидан 131 нафари республикамиздаги молия ва иқтисод йўналишидаги олий ўқув юртлари талабаси бўлишга эришдилар. Таълим даргоҳидаги 34 нафар ўқитувчидан икки нафари фан доктори ва ўн нафари фан номзоди бўлган тажрибали мураббийлардир. Бугунги кунда лицейда 297 нафар ёшлар "Камолот" аъзоси бўлишди. Уларга билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Замонавий компьютерларга эга иккита синфхона, маънавият ва маърифат хоналари ўқувчилар ихтиёрида.

Молия лицейи ўқувчилари Тошкент шаҳри бўйича ўтказилаётган фан олимпиадаларида ҳам ўзларининг пухта билимларини намойиш этишмоқда.

Молия лицейи айни Наврўз кунларида янги ўқув биносига кўчиб ўтди. Даргоҳ директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент Тошниёз Аҳмедов ва "Камолот" етакчи фаоллари шу кунларда лицей атрофини кўкаламзорлаштириш, манзарали ва мевали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказиш ишлари билан банд.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

* * *

Яқинда Ангор туманида "Қарияларни қадрлаш йили" ва Наврўз байрамига бағишланиб "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, вилоят ўқувчилар техник ижодиёт маркази, вилоят мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда уюштирган "Варрак" мусобақаси бўлиб ўтди.

Варрак учириш беллашувида Ангор туманидаги 6-синф ўқувчиси Мирҳосил Қулаҳмедов I-ўринни, Лайлак баҳсида бойсунлик ёш техник Тоҳир Қурбонов I-ўринни, ҳажмли варрак мусобақасида ангорлик ёш техник Жуманазар Жаннаевлар биринчиликни қўлга киритишди. Ғолибларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг эсдалик совғалари топширилди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ

Урганч шаҳридаги тарих фанига ихтисослашган 21-лицейда шаҳар ва туманлардаги рус мактабларида ўқиётган ўқувчилар ўртасида "Ўзбекистон - азиз Ватаним!" мавзуида иншолар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кўрикда Урганч шаҳридаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Адолат Йўлдошева ғолиб бўлди ва республика босқичига йўлланма олди.

Зумрад МАТЧОНОВА

* * *

Мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунлари ҳам ўз ниҳоясига етди. Ўқувчилар таътилда, янги чоракни бошлаш олдидан маданий ҳордиқ чиқаришларига имконият яратиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши Болалар ташкилоти ташаббуси билан тумандаги кам таъминланган оила фарзандларини Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғига сафари уюштирилди.

Болаларнинг ҳайвонот боғида айланиб, керагича ҳордиқ чиқаришларида ҳомий ташкилотларнинг ёрдамидан ота-оналар ҳам мамнун бўлишди.

Д. МЎМИНОВА

ОРОЛ

Оролни қутқариш халқаро фонди
GEF Агентлиги
В Компоненти
Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи

Дарҳақиқат, бундан эллик йил илгари тўлқинлари, ҳайбати кишини чўчитадиган, минг-минглаб сув жониворларининг "севимли маскани" бўлган Орол денгизи бугунга келиб катта экологик фожеага дучор бўлди. Яширишга ҳожат йўқ, бу ҳолнинг рўй беришига бизнинг лоқайдлигимиз, бепарволигимиз, табиат инъом этган бойликлардан ноўрин ва самарасиз фойдаланганлигимиз асосий сабаб бўлди.

Шўролар даврида йўламай-нетмай ерларга ёппасига пахта ҳосили экиш ва беҳисоб чўлларни ўзлаштириш, айниқса, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурслари билан ҳисоблашмай, шоли экишни кучайтириш, янги ГЭСлар ва сув омборларининг қурилиши, Оролга борадиган сувни йилдан-йилга камайишига олиб келди. Натижа эса ўзингизга маълум. Хуллас, бугун Оролнинг қуриши сабабларини қанчалик ахтармайлик, барибир фойдаси кам. Эндиги вазифа — мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, қандай бўлмасин, Оролга сув юборишнинг йўлини топиш керак.

Шу мақсадда куни-кеча "Оролни қутқариш Халқаро фонди"да кенгайтирилган семинар бўлиб ўтди.



Уни фақат бирдамлик, ҳамфикрлик ва "Бир қўлдан енг чиқариб, бир ёқадан бош чиқариш"гина қутқариши мумкин.

— Биз бу анжуманда Оролнинг қуриши тарихини ўрганмоқчи эмасмиз. Фақат денгизни ўз ҳолига қайтариш йўлларини излаб топиш устида биргаликда бош қотирмоқчимиз, - дейилди анжуман очилишида. Кутилганидек, анжуман турли фикрларга бой бўлди. Ҳар бир иштирокчи ўзи яшайдиган ҳудуд шароитидан келиб чиқиб мулоҳаланди.

Унда Ўрта Осиё мамлакатларидан ҳам вакиллар иштирок этиб, хилма-хил фикрлар ўртага ташланди. заларини баён қилди.

Семинарда баҳс-мунозаралар бўлиб, ҳар бир давлатдан иштирок этган вакил ўзи билан бир қатор янги фикрлар олиб қайтди.

— Биз бу ерда тилга олинган фикрларни ўз давлатимизда масъул кишиларга етказамиз. Назаримда бундай анжуманлар Оролни қутқариш йўлида катта роль ўйнайди, - дейди биз билан суҳбатда Қозоғистон Республикаси вакили Анатолий Рябцев.

Бир сўз билан айтганда семинарда шундай рамзий тўхтамга келинди: "Оролни фақат бирдамлик, ҳамфикрлик ва "Бир қўлдан енг чиқариб, бир ёқадан бош чиқариш"гина қутқариши мумкин".Ўйлаймизки, ҳаётимиз ва тараққиётимиз манбаи бўлган сувга муносабатимизнинг ҳозирда бир-мунча ижобий томонга ўзгариши Оролни тўлдириш борасида ташлаган муҳим қадамимиз бўлади.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ, "Turkiston" мухбири

MENING FIKRIM

Мухторнинг онаси ҳам, отаси ҳам келмади

ҚИНҒИР ЙЎЛГА КИМ КИРАДИ?

Ота-онанинг фарзандига берган тўғри тарбияси уни комилликка етаклайди. Шу боис боланинг яхши тарбия олишида аввало оналардан юксак билим, меҳр-муҳаббат, тўғрисўзлик, ҳалоллик каби туйғулар талаб этилади. Фарзандларига яхши тарбия бераётган ота-оналарни кўрсам, уларга ҳавасим келади. Лекин, минг афсуски, баъзи ота-оналарни фарзандларининг келажаги мутлақо қизиқтирмайди...

Мактабда ўқиб юрган кезларим эди. Синфдошимиз Мухторнинг хулқ-атвори, тарбияси, ўзини тутиши, маданияти жудаям ёмон эди. Тўғриси, унинг оғзидан бир марта бўлса ҳам яхши сўз чиққанини эшитмаганман. Нуқул сўкингани сўкинган эди, парталарга чизган, стулларни синдирган, болалар билан ёқалашган, юқори синф ўқувчиларини майна қилган, ўқитувчиларнинг танбеҳига гап қайтарган ҳолатларини жуда кўп кўрардим. Кўча-кўйда юрганда ҳам тенгқурларини бесабаб ҳақорат қилар, кўп қаватли бинолар ойнасига тош отар, автобус ўриндиқларини пичоқ ёки писка билан йиртиб ташларди. Охири синфдошлар билан келишиб, уни тўғри йўлга солмоқчи бўлдик, бироқ иложи бўлмади. Ҳатто, ота-оналар мажлисига Мухторнинг онаси ҳам, отаси ҳам келмади.

Кунларнинг бирида синфдошлар билан Мухторнинг уйига бордик ва онасига фарзандининг қилган безорилкларини айтдик. У эса: "Менинг болам билан ишларинг бўлмасин, ўқитувчиси тарбия қилиб олади", - деб бизни жеркиб берди. Шунга қарамай ҳам биз Мухторни йўлга солиш фикридан қайтмадик. Аммо у маслаҳатларимизга қулоқ солмай, ўз билганини қилаверарди. Орадан бироз вақт ўтгач, мактабни ҳам ташлаб кетди. Кўп ўтмай, Мухтор тўғрисида хунук бир хабарни эшитдик. Яъни, у маҳалласидаги бир хонадондан тилла тақинчоқлар, пул ва кийим-кечакларни ўғирлаб кетибди.

Мактабни битирганимизга ҳам уч йил бўлди. Бир куни унинг онасини кўриб қолдим, ғамгин нигоҳидан тушкунликка тушгани, ташвишли бир ҳолатда экани шундоқ кўриниб турарди. Кейинроқ сабабини билсам, Мухтор яна ўғирликка қўл уриб, қамалибди. Ўз фарзандининг бахтсизлигидан қувонган она ҳали дунёга келмаган, келмайди ҳам. Бечора онасининг маъюс кўзларига тикилиб, ўйланиб қолдим. Эҳтимол, шу оилада тинчлик, тотувлик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат бўлганда, қолаверса тўғри тарбия адо этилганда бундай фожеа бўлмасмиди?! Бола тарбиясига масъулиятсизлик билан ёндашиш, бефарқ қараш, кўпинча мана шундай якунланади. Энг ачинарлиси, ота-оналарнинг бепарволиклари туфайли фарзандларнинг қинғир йўлларга кираётганлари ҳаммамизга аён. Ахир, мактаб ўқувчиларининг очиқдан-очиқ сигарета чекишлари, зиёфатларда спиртли ичимликларни истеъмол қилишлари, катталарни ҳурмат қилмасликлари, ўқиган китоблари билан эмас, янги қимматбаҳо кийимлари билан мақтанишларига қандай тарбия сабаб бўлаётган экан?!

Сиз нима дейсиз, тенгдошим?

Рустам ҲАЙДАРОВ

XXI аср — ёшлар асри



Шуҳрат БОЙМУРОДОВ, Тошкент иқтисодиёт коллежи талабаси

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Гулбаҳор МУЗАФФАРОВА, Тошкент шаҳар машинасозлик касб-ҳунар коллежи талабаси



Янги дунё — ёшлар дунёси

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

«KAMOLOT» hududi

«КАМОЛОТ» ТАВСИЯСИ БИЛАН ЁШЛАР ИШГА ОЛИНМОҚДА

“Жиззахпластмасса” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан ҳисобланади.

Бундан бир неча йил муқаддам ўзлаштирилган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, ерга қадалган чигитнинг соғлом, дуркун униб чиқишини таъминлаш мақсадида корхона қайта жиҳозланди. Турли ҳажмлардаги плёнкалар ишлаб чиқарила бошланди. Гипсли ҳамда тез қатқалоққа учрайдиган майдонларда чигит плёнка остига экила бошланди. Илк йилларда айримларга ортиқча меҳнатдек бўлиб туюлган плёнка бугунга келиб ўта керакли маҳсулотга айланиб бормоқда. Ғалладан кўра пахта уруғини ерга қадаш истагини билдираётган деҳқон, фермерлар, хўжаликлар сони кўпайди.

Бугунга келиб ҳиссадорлик жамияти бир юз йигирма тўққиз минг гектар пахта майдони учун етти минг уч юз тонна пахта плёнкаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Бу мамлакатимиздаги эҳтиёжнинг тўқсон беш фоизи деганидир.

Ушбу корхонанинг Мирзачўл ҳудудида жойлашганлиги ўзига хос аҳамият касб этади. Жамоа аъзоларининг иш фаолияти, мавжуд цехларнинг ишлаш қуввати билан танишиш мақсадида “Жиззахпластмасса” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига борганимизда корхона атрофи юк машиналарига тўла бўлиб, пахта плёнкаси ўрамларини олиб кетишга турли вилоятлардан келган масъул шахслар қўлларига қоғоз тутганча, маҳсулотни тезроқ олиб, жўнаб кетиш тараддудида юришганини кўрдик.

Жамият раиси Ҳоди Пўлатовнинг хонасида ҳам дам-бадам телефон қўнғироқлари-ю, одамларнинг хона эшигини очиб-ёпишлари сабаб раис билан суҳбатлашишнинг имкони бўлмади. Тўғри-да, ҳозир экиш мавсуми, бу пайтдан унумли фойдаланган ютади. Раисга цехлар билан танишиш истагини билдирдик, ижодий суҳбатни эса иш сўнгига қолдирдик.



“Камолот”чиларнинг корхонадаги етакчиси Ғайрат Сайдиев бизни цехларга бошлади. Тўқсон фоиз юқори босимли полиэтилен ишлаб чиқараётган линияда ўн олтита станок бир маромда ишлаб турибди. Технологик жиҳозлар Германиядан келтирилган. Ёш, ўспирин йигитларнинг малакали мутахассислардек ишлаётганини кўриб, кўз қувнайди.

— Бу ерда юпқа пахта плёнкалари ишлаб чиқарилади. Жиҳозлар хориждан келтирилган. Яқинда Жанубий Корея билан шартнома туздик. Эндиликда хомашё улардан келтирилмоқда. Эшитган бўлсангиз, ўтган давр мобайнида фаолиятимизда узилишлар ҳам бўлди. Сабаби — хомашё етишмаслиги эди. Эндиликда тўла қувват билан ишлаяпмиз. Мана бу оппоқ марваридчаларни кўраяпсизми, бу гранула ҳолатдаги хомашё, - дейди цех бошлиғи Миноввар Наматов.

Гранула экструдерда эриб, бошланғич қисмда ҳаво босими орқали совутилиб, станокларга ўтказиларкан. У ерда эса мўъжиза содир бўлади. Яъни, турли ҳажмдаги плёнкалар вакуум орқали валларга узатилади. Гарчи кимёвий иш жараёни давом этаётган бўлса-да, ҳеч қандай ортиқча ҳид сезилмайди. Қолиплаш йўлакларидан юқорига чиқаётган эриган масса оппоқ булутларнинг текис, майин парвозини эслатади. Совутилиб, жипслаштирилган маҳсулот махсус мосламада тўп-тўп қилиб ўралади.

Умуман корхонада беш юзга яқин ишчи бўлса, шундан тўқсон фоизи ёшлар, уч сменада, саккиз соатдан ишлашади. Корхонанинг асосий иш фаолияти мавсумий бўлиб, икки юздан ошиқ ёшлар ёлланма ишчи, қолганлари эса доимий ишчилар ҳисобланади. Эндиликда корхонада маҳсулот турини кўпайтириб, даромад манбаини юксалтириш, қолаверса, малака ошириб, иш ўрганган ёлланма ишчи ёшларни доимий ишчиларга айлантириш масалалари ҳал этилаяпти. Дейлик, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш цехи фаолияти кенгайтирилаяпти.Тоғора, челак, яшиклар, тухум идиш, ванна учун пластмасса жиҳозлар, умуман олганда, 25-30 турдаги пластмасса идишлар ишлаб чиқариш такомиллаштирилди. Хитой билан ҳамкорликда чинни буюмлар ишлаб чиқариш цехи тўла қувват билан ишлай бошлади.



Станоклар бир маромда ишлаб турган бўлсада, уларни назорат қилиб туриш, носоз ҳолатларни тезликда бартараф этиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ўта муҳимдир. Навбатчи слесар, электриклар ўз ишининг усталари ҳисобланишади.

Иккинчи участкада ҳам асосан пахта плёнкалари ишлаб чиқарилади. Олтита станок мавжуд, масса идишлар ишлаб чиқариш такомиллаштирилди. Хитой билан ҳамкорликда чинни буюмлар ишлаб чиқариш цехи тўла қувват билан ишлай бошлади.

Станоклар бир маромда ишлаб турган бўлсада, уларни назорат қилиб туриш, носоз ҳолатларни тезликда бартараф этиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ўта муҳимдир. Навбатчи слесар, электриклар ўз ишининг усталари ҳисобланишади.

Иккинчи участкада ҳам асосан пахта плёнкалари ишлаб чиқарилади. Олтита станок мавжуд, ишлаш цехининг мавжудлигидир. Аввалларичиқиндилар ташлаб юборилган бўлса, эндиликда турли эҳтиёж учун плёнка пакетлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур цехдаги ускуналарни Италия технологияси асосида маҳаллий мутахассислар яратишган. Ҳозирги кунда корхонада қўшимча даромад олиш манбаи ҳам пайдо бўлди.

Корхонанинг ер майдони 30 гектар бўлиб, ҳудудида таъмирлаш цехи, компресс-насос, котел участкаси, транспорт, темир йўл, маҳсулот сақлаш омбори мавжуд. Атрофдаги ташландиқ жойлар ёнғоқзорга айлантирилган. Катта йўл ёқасидаги шағал уюмлари ўрнида қад ростлаган улкан дарахтлар ўзгача тароват бахш этади.

Уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш цехидаги жиҳозлар Италия, Польша, Украина, Германиядан келтирилган. 2001 йилда икки юз ўттиз олти миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Маҳсулотлар ички бозордан ташқари четга экспорт ҳам қилинмоқда.

Корхонада душ, сауна, ошхона доимий равишда ишлаб туради. Ишчиларни олиб келиш ва уйларига олиб бориб қўйиш учун махсус автобуслар қўйилган. Ҳар куни сут, қатиқ белгиланган миқдорда берилади. Шунингдек, кичик врачлик пунктида стоматология, лор, физиотерапия, массаж бўлимлари мавжуд.

“Жиззахпластмасса” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Албатта, бир вақтлари корхона асосан полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришга мўлжаллаб қурилган эди. Кейинчалик корхона тармоғида, эҳтиёжга қараб пахта плёнкаси ишлаб чиқариш такомиллаштирилди. Йигирмага яқин қувур линияларидан диаметри йигирмадан икки юз йигирма беш мм.гача



бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилмоқда. Қувурлар газ, сув тармоқларида, маиший, коммунал хўжаликларида, қишлоқ хўжалигида дренажлар ўрнатишда, юқори қувватли кабелларни, иссиқлик узатиш прокладкаларини ҳимоялашда ўта муҳим маҳсулот ҳисобланади.

— Қувурлар ишлаб чиқариш цехидаги ўн битта станокда қирққа яқин ишчи ишлайди. Қувурлар паст босимли полиэтилендан тайёрланади. Жиҳозлар Россиядан келтирилган. Бундан ташқари, цехда полиэтилен шланглар ҳам ишлаб чиқарилмоқда, — дейди цех бошлиғи Элшод Содиқзода.

Биз маъмурий бинога қайтаётганимизда ёшлар етакчиси Ғайрат Сайдиевна гапга тутдик:

— Кўриб турибсиз, ишчиларнинг асосий қисми ёшлар. Улар билан турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиб турибмиз. Корхонамиз раҳбари бирорта йигитни ишга олмоқчи бўлса, аввал бизга учраштиради. Уларга “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини имкон қадар тушунтириб берамиз. Бизнинг тавсиямиз билан ишга олинади. Ишчи ёшлар муаммоларини ҳал қилишда ҳам “Камолот”нинг ўрни бор. Ўтган йилдан бошлаб шартнома асосида ўқиётган ёшларнинг шартнома баҳосини эллик фоизини корхона ҳисобидан ўтказишни ҳам йўлга қўйдик. Ҳар ҳафтада бир марта ёшлар билан суҳбатлашиб турамиз, — дейди ёшлар етакчиси.

Корхонанинг ёшларга, ёшларнинг меҳнатга эътиборини билиш учун яна раиснинг хонасига бордик. Ҳоди ака билан суҳбатимиз йўл-йўлакай бўлди.

— Энди улар вилоятлардан маҳсулот олгани келишган. Мавсум пайти, шошилишади-да. Ишонсангиз, кунига 1-2 соат мизғиб олмасам, деярли дам олмай ишлаймиз мавсумда. Чунки экиш даври ўткач, плёнканинг кимга кераги бор.

Кўрган бўлсангиз, ишчиларимиз асосан ёшлар. Уларга таянамиз. Шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Мавсум ўтсин, етакчига алоҳида хона қилиб бермоқчимиз. Мен, ёшлар газеталарни кам ўқишади дердим. Маънавият хонасидаги газеталар қўлма-қўл бўлиб кетяпти. Ғайратжон билан “Туркистон” газетасига 10 дона қўшимча обуна бўлишни ҳам келишганмиз. Корхонамиз йилига 18 минг тонна плёнка, 10 минг 800 тонна полимер қувурлар, 1370 тонна пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга...

Раис гапини тугатолмади. Яна дам-бадам телефон қўнғироқлари-ю, маҳсулот олиш учун юрганларнинг кириб-чиқиши кўпайди.

Биз “Жиззахпластмасса” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолиятини кўриб, мамлакатимизнинг ана шундай қудратли корхоналари борлигидан фахрландик.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Turkiston» мухбири

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Юртимизда соғлом, баркамол, билимли авлодни вояга етказиш йўлида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, юртимиз фаровонлиги, истиқлолимиз келажаги бугунги кунда пухта билим олишга интилаётган ёш авлоднинг баркамоллигига боғлиқ

Самарқанд тиббиёт коллежи ёшларга пухта билим бераётган ўқув масканларидан бири ҳисобланади. Коллеж 1998 йилда республикада биринчилардан бўлиб коллежга айлантирилди. Тажрибали устоз, биринчи даражали “Соғлом авлод” ордени соҳиби Яхшинор Аллаёров коллежга раҳбарлик қилмоқда. Ўқув масканида 127 нафар тажрибали ўқитувчилар ёшларга таълим-тарбия беришади. Улардан беш нафари фан номзодларидир. Мингдан зиёд талабалар акушерлик, ҳамшираликортопедия-стоматология ва фармация бўлимларида таҳсил олмоқдалар.

Ҳукуматимиз таълим-тарбия соҳасига устувор йўналиш сифатида эътиборни қаратиб, уни маблағ билан таъминлашни йилдан-йилга оширмоқда. Шу мақсадда коллежга ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси томонидан ўттиз миллион сўмлик ўқув жиҳозлари, хориж лойиҳаси асосида қирқ уч миллион сўмлик лаборатория жиҳозлари, ўн саккиз миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олинган. Маблағ билан таъминланишнинг муқобил йўлларини излаб топишда коллеж маъмурияти ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, моддий-техник базани янада мустаҳкамлашга астойдил интилмоқда. Ўзаро шартномалар асосида талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, керакли мутахассисликлар бўйича фирмалар ва муассасаларга мутахассислар тайёрлаб берилмоқда. Шаҳардаги нуфузли дорихоналарда, тиббиёт масканларида амалиёт ўтамоқда. Энг қувонарлиси, коллежнинг ўзида “Микростомполиклиника” ташкил этилган. Талабалар орасида учрайдиган тиш касалликлари бепул даволанади. Аҳолига эса пуллик хизмат кўрсатилади. Поликлиникада бошқа турдаги муолажа хоналари, “Жарроҳлик”, “Лаборатория” кабинетлари ҳам мавжуд. Шунингдек, барча талабаларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш имконияти ҳам туғилди. Ишлаб чиқариш ҳамда ўқув амалиёти фаолият кўрсата бошлади. Амалиётлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўрсатмасига асосан тегишли касалхона, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида, туғруқхоналарда ўтказилмоқда.

Коллежда оила психологияси, она ва бола саломатлиги дарслари мунтазам равишда ўтказилмоқда. “Аёл” нодавлат ташкилоти билан келишув битимига кўра биринчи курс талабалари ўқув йили бошида кўрикдан ўтказилиб, уларга доимий равишда маслаҳатлар бериб борилади. Билим юртида икки юз эллик ўринли барча қулайликларга эга ётоқхона мавжуд. Дам олиш хоналари, маънавият хонаси, ота-оналар хоналари, ўқув зали талабалар хизматида. Ижодий кечалар, турли хилдаги учрашувлар, баҳс-мунозара, кўрик-танловлар ўқув юрти маъмурияти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг коллеждаги фаоллари ташаббуси билан доимий равишда уюштирилиб келинмоқда.

Билим юртидаги бир юз эллик ўринли ошхонада турли таомлар тайёрланиб, талабаларга арзонлаштирилган нархларда сотилади. Коллеж кутубхонаси адабиётларга бойлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Жами қирқ уч мингдан зиёд китобларнинг тўққиз мингтаси ўқув адабиётлари, ўн мингга яқини бадиий адабиётлар, икки мингдан ортиғи тиббий мутахассисликлар бўйича қўлланмалардир. Кутубхона ўқув зали тўлиқ компьютерлар билан жиҳозланган бўлиб, маъруза матнлари, маънавият ва маърифатга оид манбалар, буюк мутафаккирлар ҳақидаги маълумотлар компьютерларга киритилган.

Ўқув масканида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг кўлами кенг. Коллеж маъмурияти, аҳил жамоа ёш авлод таълим-тарбияси йўлида бундан-да самаралироқ, хайрли ишларни амалга оширишга ишонамиз.

НУФУЗЛИ ДАРГОҲ

Иштихон шаҳар тиббиёт коллежида мингга яқин талабалар ҳамширалик даволаш, ортопед-стоматолог мутахассисликлари бўйича таълим оладилар. Тажрибали мураббий, тиббиёт фанлари номзоди Жалолиддин Тўрақулов раҳбарлик қилаётган жамоа талабаларни баркамол, маънавий етук инсон бўлиб етишишларида бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

— Келажакда таълим олаётган талабалар эртага юртимиз фаровонлиги, инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қиладилар. Ўқув машғулотларида пухта билим олган талаба амалда самарали меҳнат қилишига шубҳа йўқ. Бунинг учун шарт-шароитлар етарли, — дейди билим юрти директори.

Ўқув масканида элликдан зиёд тажрибали ўқитувчи, малакали шифокор талабаларга дарс беради. Йигирмадан ортиқ фан хоналари замонавий техника воситалари, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Ўқув масканида фан ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган талабалар бор. Улардан Гўзал Қаландарова каратэ бўйича вилоятда биринчи ўринни, Мансур Пардаев эса Жиззахда бўлиб ўтган “Баркамол авлод” ўйинларида кураш бўйича республикада иккинчи ўринни эгаллади. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Неъмат Абдиев ўқув амалиёти асосан бўлимларда, ишлаб чиқариш амалиёти эса касалхоналарда ўтишини айтиб ўтди.

Бизни яна бир нарса қувонтирди, билим юрти талабалари орасида Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона водийси вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан келиб ўқиётган йигит-қизларни учратдик. Аҳил жамоанинг олдига қўйган мақсадлари амалга ошаверсин.

Содиқ НАМОЗОВ,
«Turkiston» мухбири

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ҚИЗ

Инсон баркамоллиги унинг маънавий дунёсининг қандайлиги билан ўлчанади. Ёшлар ички маънавий дунёсини шакллантириш борасида ўқув юртларида самарали ишлар қилинмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг деярли барчаси ёшлар тарбияси, уларинг порлоқ келажагига қаратилган. Орзуманд бир халқнинг фарзандларимиз. Ўзбек болам-чақам, деб яшайди. Фарзандлар камолини кўриш нияти доимо ўзи билан бирга юради. Ўзбекнинг яна бир орзуси — фозиллик. Фарзандини саводли, фозил инсон қилиб тарбиялаш. Мамлакатимиз келажагини ўз тақдирим, деб билган ёшларимиз орасида иқтидорли, илмсалоҳиятли, изланувчан фидойилар жуда кўп. Каттақўрғон педагогика билим юртининг 3-курс талабаси Гавҳар Туробовани ҳеч иккиланмай, шундайлар сирасига қўшсак бўлади.



Гавҳар 1984 йилда Каттақўрғоннинг Янгиработ қишлоғида туғилган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидан, яъни болаликдан китоблар мутолаа қилишни хуш кўрарди. Унинг “Энг яхши китобхон” кўрик-танловида вилоятда биринчи ўринни олганлиги бежиз эмас, албатта. Китоб ўқишдан ташқари, компьютер, чет тилини ҳам пухта ўрганаяпти. Тикувчилик, сухандонликка жуда қизиқади. Шеърлар, кичик-кичик ҳикоялар машқ қилади. Яхшилик қилишга интилиб яшайди. Ўқув юртини битириб, ривожланган мамлакатларда ўқиш орзуси борлигини ҳам яширмайди. Гавҳарнинг муваффақиятларида тинимсиз изланиши ҳамда ота-онаси, устозларининг хизматлари катта.

Энг содиқ дўстинг ким, деб сўраганларида, донолардан бири китоб, деб жавоб берган экан. Ҳа, китобдан содиқ дўст топиш қийин. Чунки китоб ҳар қандай кунда ҳам дўстини ташлаб кетмайди. Гавҳархонга ҳам нафақат ўқиш, балки ажойиб асарлар яратиш насиб этаверсин деб ният қиламиз.

УМИДИМИЗ КАТТА СЕНДАН, АЙЁМБЕК!

Айёмбек Қарши Давлат университети жисмоний тарбия факультети талабаси. Касби тумандаги Қамаши қишлоғида таваллуд топган бу ўктам йигит болалигидан эпчиллиги билан тенгдошларидан ажралиб турар эди. Ундаги бу иқтидорни сезган отаси — Султон ака ўғлига ок фотиҳа берди.

Ота дуоси — худо ризоси, деган ҳикмат бор халқимизда. Дарҳақиқат, падарибузрукворининг дуоси ижобати ўлароқ, шу йили Айёмбек вилоят олимпия клубига аъзо бўлди.

1997 йилда Миллий кураш бўйича вилоят биринчилигида иккинчи ўринни олди. 1998 йил кураш бўйича Ўзбекистон ва Туркманистон Республикалари ўртасида бўлиб ўтган дўстлик турнирида иккинчи, ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида учинчи ўринни қўлга киритди.

Айёмбек-ҳозир истеъдодли мураббий Мурод Бердиевдан кураш сирларини ўрганмоқда.

— 2000 йилда Наманган вилоятида бўлиб ўтган “Универсиада”да бир гуруҳ талабалар фахрли ўринларни эгаллаб, воҳамиз шарафини ҳимоя қилишган эди. Шулар қаторида Айёмбек Тошқулов ҳам бор, — дейди устоз ўз шогирди ҳақида.

У дастлаб спортнинг кураш тури бўйича университет талабалари орасида юқори натижаларни кўрсатиб, мураббийлар назарига тушди. Кейинчалик Айёмбекда истеъдоднинг янги қирралари намоён бўла бошлади. Машғулотлар даврида унинг енгил атлетика тури бўйича ҳам иқтидори борлиги сезилди.

Шу йилнинг февраль ойида ўтказилган енгил атлетиканинг ядро улоқтириш тури бўйича Ўзбекистон кубогида Айёмбек ғолибликни қўлга киритиб, Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлди. Бу билан у ўзининг кўп қиррали спортчи эканлигини исботлади.

Ҳозир университетда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган “Универсиада-2002” мусобақаларига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Олдинда яна бир юксак синов — “Универсиада-2002” турибди. Ўйлаймизки, мусобақада Айёмбек Тошқулов ҳам яхши натижаларга эришиб, воҳага ёруғ юз билан қайтади.

Ихтиёр УМАРОВ

ГАЗ ИДОРАСИНИНГ РАҲБАРИ БУ БОЙЛИКНИ АСРОВЧИМИ ЁКИ ИСРОФ КИЛУВЧИ?

Халқимизда жуда кўп авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳикматли ўгитлар бор. Уларда айтилишича, ҳаётда ҳар кимга яраша ризқ-насиба, ўлчаб берилган. Шу боис дард келганда сабр қилишни, бошга омад қуши қўнганда эса, оёқ ердан узилмаслиги керак. Акс ҳолда йиллар давомида мисқоллаб йиғилган обрў-эътибор бир кунда хазонга айланиши ҳеч нарса эмас. Қолаверса, бу ўринда гап фақат яхши-ёмонлик ҳақида эмас, балки раҳбарлик шаъни, эл-юрт ишончи ҳақида ҳам кетяпти. Яқинда жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани судида ана шу масъулият ва ишончни оёқости қилган, бошқача айтганда "оёғи ердан узилган"и учун Жиноят Кодексининг қатор моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган бир раҳбарнинг жиноий ишлари юзасидан очиқ суд ўтказилди.

Текширувлар давомида аниқланишича, судланувчи Ж.Бахтиёр 1989-99 йиллар мобайнида вилоят газ бошқармасида техник назоратчиси, бош муҳандис лавозимларида ишлаб, ўз хизмат вазифасидан фуқаролар, давлат, корхона ва ташкилотларни газлаштириш билан боғлиқ ишлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, тасдиқлаш ҳуқуқи борлигидан фойдаланиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган. Хусусан, 1996 йилнинг 15 январь куни Қўқон шаҳрида жойлашган "Ўзгазлойиҳа" институти бошлиғига ариза билан мурожаат қилиб, "Мирзажон" кичик корхонасининг оҳак цехини очиш учун лойиҳа ишларини бажариб беришни сўрайди. "Ўзгазлойиҳа" институти мутахассислари томонидан газдан фойдаланиш учун фонд олиниши, шунингдек, "Ўзнефтгазназорат"нинг Фарғона бўлимидан техник шартларни олиб, уларга тақдим этиш лозимлиги айтилади. Бироқ устамон "хўжайин" бу ҳужжатларни кейинчалик тайёрлаб беришини айтиб, оҳак цехини газлаштириш лойиҳасини олишга эришган.



Орадан икки йил ўтиб, 1998 йилда Ж.Бахтиёр "Ўзгазсотиш" шўъба корхонаси Водил бўлимига бош мутахассис бўлиб ишга ўтади. Бу галдаги ишларни амалга ошириш учун айни муддао эди. Тезда имкониятдан фойдаланиб, давлат рўйхатидан ўтган ва юридик шахс мақомига эга бўлган Фарғона туманининг Оқбилол қишлоғида жойлашган Алижон Каримов раҳбарлигидаги "Мирзажон" оҳак ишлаб чиқариш корхонасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, туман ҳокимлигига мурожаат этиб, ушбу ишлаб чиқариш корхонаси қошида қурилган оҳак цехини газлаштириш учун рухсат сўрайди. Ушбу хат асосида вилоят ҳокими ўринбосари "Фарғонавилоятгаз" бошқармаси бошлиғи номига 1998 йилнинг ёзида хат чиқариб, "Мирзажон" оҳак ишлаб чиқариш цехи учун газ беришга рухсат беради. Ушбу ҳужжатга асосан Ж.Бахтиёр ўзига тегишли оҳак цехини ишга туширишдан олдин ГРП ва газ ҳисоблагич ўрнатиши ва бу асбоб-ускуналарни назоратдан ўтказиб, тегишли тартибда рухсат олиши лозим бўлган. Аммо, Фарғона тумани "Ўзгазсотиш" шўъба корхонаси бош мутахассислигидан фойдаланиб, бу галда ҳам сувдан қуруқ чиққан. Бироқ ноқонуний равишда оҳак пишириб сотишгани, оҳак цехи газ тармоғига қонунсиз уланганлиги сабабли 2001 йил 24 март ва 20 апрель кунлари туман газлаштириш идорасидан И.Носиров ва бошқа ходимлар бориб газдан қонунсиз фойдаланаётганликлари тўғрисида далолатнома тузишган, газни узиб кетишган.

Судланувчи Ж.Бахтиёр судда ҳақиқатдан ҳам ўша куни мутахассислар оҳак цехига келишиб, газдан қонунсиз фойдаланяпсан, деб далолатнома тузишгани, далолатномага у ҳам имзо чекканини чунки цехга ГРП ва газ ҳисоблагич ўрнатилмаган ҳолда газ улашгани, шу ҳолатда 2001 йилнинг март ва апрель ойларида икки марта оҳак пишириб сотишганини тан олди. Лекин Ж.Бахтиёрнинг ҳурмача қилиқлари фақат шу билан ўз ниҳоясига етмайди.

Суд жараёнида бу раҳбарнинг яна кўплаб жиноий ишлари далилий-ашёлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланган ҳолда фош этилди. Маълум бўлишича, устамон раҳбар кўздан панароқ бўлиш мақсадида 2001 йилнинг баҳоридан ўғли Ж.Баҳодир номига хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиб, оҳак олди-сотдиси ишларини гўёки ўғлининг номидан амалга ошириб келган. Аммо қоғозда ўғлининг номида бўлган оҳак цехи амалдаги қонунларга кўра туман Давлат солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтмаган ва ўтган йилнинг март-сентябрь ойларида ишлаб чиқариб сотилган маҳсулот ҳисобидан олинган фойдадан даромад солиғи тўланмаган.

Умуман, суд иши давомида Ж.Бахтиёрнинг барча кирдикорлари аниқ далиллар асосида очиб ташланди ва амалдаги қонун-қоидаларга асосланган ҳолда кўриб чиқилди. Ниҳоят, суд жазо тайинлади. Шунга асосан суд ҳайъати Ж.Бахтиёр кеч бўлсада, оҳак цехи фаолиятини амалдаги қонунлар асосида ташкил этгани ва иш юритиш учун зарур бўладиган барча ҳужжатларни тўғрилагани, етказилган моддий зарарни тўлаб қўйганлигини инобатга олди. Шунда ҳам Ж.Бахтиёр суд қарорига кўра, уч йил газ соҳасида бошлиқ ва бош муҳандис вазифасида ишламайди, жазони ўз иш жойида ўтаб, ойлигидан давлат фойдасига ҳар ойда ўттиз фоиз тўлаган ҳолда уч йиллик аҳлоқ тузатиш жазосини ўтайдиган бўлди.

Хулоса ўрнида айтганда, қонун ҳамма учун баробар. Унда ҳеч ким учун алоҳида ваколат ва имтиёз берилмаган. Шундай экан, ҳар қандай шароитда ҳам ман-мансираш, ўзидан кетишга ҳожат йўқ. Чунки бундай йўл тутиш барибир, бир кун келиб шармандa-ю, шармисор бўлишга олиб боради. Қонунбузар учун бундан бошқа йўл йўқ!

М.НИШОНОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси матбуот хизмати инспектори.
Ботир ОМОН,
«Turkiston» мухбири

TA`LIM VA ISLOHOT

Нега икки хил манзара?

МАКТАБНИ КИМ ТАЪМИРЛАШИ КЕРАК?

Мактабдан қайтган қизим:

— "Дадажон, мактабимизни таъмирлаш учун пул бераркансиз, ўқитувчимиз айтиб юборди,- деди.

Буни одатий ҳол сифатида қабул қилиб, ўғлимга ҳам шу мақсадда пул узатганимда, унинг: "Бизнинг мактабда таъмирлаш учун ота-оналардан пул олишмаяпти", деган жавобидан рости ҳайрон қолдим. Икки ўқув масканида икки хил манзара.

Бунинг сабаби нимада?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида 1999 йилда Қарор қабул қилди. Ушбу Қарорга мувофиқ, юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилди.

Қарордан келиб чиқиб, таълим тизимидаги кўпгина муассасаларда ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ўз навбатида банкларда ҳисоб-китоб рақамлари очилди. Натижада, бюджет муассасалари ўз таркибида ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ижарага бериш ҳамда юридик шахс ва жисмоний шахслардан берилаётган ҳомийлик ёрдамлари каби манбалар ҳисобидан ўзларининг ривожлантириш жамғармаларини шакллантирмоқдалар.

Афсуски, бугунги кунда барча мактабларда ҳам бу имкониятлардан етарли даражада фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Баъзи мактаблар ҳисобига миллионлаб сўм келиб тушаётган бир пайтда, аксарият таълим масканларида қўшимча равишда бирор сўм ишлаб топилмаганлигини кўриш мумкин. Хўш, имконият, қонун бир хилда-ю, нега натижа ўзгача? Кузатишлар шундан далолат бермоқдаки, аввало ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида касб-ҳунар ўрганишларини тўғри йўлга қўйилганлиги ва ўз навбатида ана шу иш орқасидан мактаб учун ҳам, ўқувчи учун ҳам манфаатдорлик ҳосил бўлмоқда. Баъзи мактабларда ҳокимиятлар томонидан ажратилган экин майдонларида ўқувчиларнинг деҳқончилик қилаётгани ёки иссиқ хоналарда турли-туман ўсимликларни парвариш этаётгани ҳам қувонарли.

Лекин берилган имконият бир хил бўлишига қарамай, таълим тизимидаги ҳамма муассасалар ҳам бу имкониятлардан тўлиқлигича фойдаланмаяптилар.

Энди мактабларда пул топиш учун тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг баъзилари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, иқтисодда: "Харажатсиз ҳаракат натижасиз" деган қоида бор. Ана шу жиҳатдан олганда, мактабларда пул топиш учун бошланғич маблағлар қийинчилик келтириб чиқараётган бўлса, иккинчи бир томони, ҳали кўплаб мактаблар замонавий техникалар билан таъминланмаганлиги, қўшимча адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг етарли даражада эмаслигидадир. Шунингдек, республикамизда амал қилинаётган Қонунга мувофиқ ўқувчилар сони 400 нафардан кам бўлган мактабларга юридик шахс мақоми берилмаганлиги ана шу илм масканларидаги тадбиркорлик ҳаракатларининг чекланишига олиб келмоқда.

Ваҳоланки, бугунги кунда ҳар бир раҳбарнинг бозор-иқтисоди қонун-қоидаларини чуқур тушуниши ҳамда тадбиркорликни қўллаган ҳолда молиявий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш вақти келди.

Шавкат ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси

DIQQAT: TANLOV

САРАЛАНАР ОҚСОҚОЛНИНГ САРАСИ

Республикамизда "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловининг ўтказилиши нафақат маҳалла оқсоқоллари фаолиятини, балки маҳалла аҳлининг энг ишончли вакиллари саналган профилактика инспекторлари фаолиятини ҳам яна бир карра синовдан ўтказади.

Чунки ички ишлар идоралари тизимларида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида маҳалла оқсоқолларининг деярли аксарияти профилактика инспекторлари билан бирга "Милиция таянч пунктлари"да фаолият юритишмоқда. Шу боис, биз бу танловда профилактика инспекторларининг эл тинчлигини таъминлашда қишлоқ, овул, маҳалла аҳли билан нечоғлик ҳамкору ҳамфикр бўлишаётганини, одамларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, қай даражада уларнинг меҳрига сазовор бўлганини ҳам билиб оламиз.

Айниқса, "Қарияларни қадрлаш йили"да маҳалла оқсоқолларининг фаолиятига тўғри ва холис баҳо бериш, оқсоқолларнинг халқ олдидаги обрў-эътибори ва мавқеини оширишга хизмат қилади.

Қолаверса, ички ишлар идоралари тизимларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ва мазмун-моҳияти ҳам бевосита аҳоли яшайдиган жойларга йўналтиришга қаратилган бўлиб, халқимиз ҳуқуқий онгини юксалтириш ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришни тақозо этади.

Маълумки, шаҳар марказларини қўя туринг, чекка қишлоқларда ҳам тўрт-беш хонадан иборат замонавий "Милиция таянч пункт"лари барпо этилмоқда. Лекин улар фақатгина профилактика инспекторлари учун барпо этилмоқда, десак тўғри бўлмайди.

Чунки мазкур таянч пунктларининг бир хонасида маҳалла оқсоқоллари, яна бирида маҳалла посбонлари, бошқаларида эса оилаларда вужудга келадиган айрим низоларни бартараф этиш зиммасига юкланган яраштирув комиссияси аъзолари, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари фаолият юритишмоқда.

Ишонтириб айтамизки, профилактика инспекторларимиз ҳам ушбу кўрик-танловга жиддий тайёргарлик кўришиб, маҳалла обрўси учун курашадилар. Бунда биз уларга омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция майори

СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

НИҲОЯТ РУХСАТ БЕРИЛДИ

Вашингтон спорт маъмурлари машҳур боксчи Майк Тайсонга оғир вазндаги боксчилар ўртасида жаҳон чемпионлиги унвони учун британиялик Леннокс Льюис билан учрашув ўтказишга рухсат берди. Унга кўра "жанг" шу йилнинг 8 июнида бўлиб ўтади.



Комиссия раҳбари Арнольд Макнайтнинг сўзларига қараганда, АҚШнинг бошқа штатлари ҳам бу учрашувнинг ўтказилишига даъвогарлик қилишган. Тайсон ва Льюислар пойтахтда куч синашишни афзал кўришган.

ИШҚИБОЗЛАР ЖУНБУШГА КЕЛДИ

Югославиянинг машҳур "Црвена звезда" футбол жамоаси уч нафар ўйинчиси жамоанинг ўйинидан норози кайфиятдаги ишқибозлар туфайли азият чекишди. Улар юзига ниқоб тутишган ҳолда майдонга тушишиб, ўйинчиларни таёқлар ва бейсбол чавгонлари билан обдон савалашган.

Жабрланган футболчилар Миленко Ачимович, Бранко Боскович ва Михайло Пьяновичлар тўқнашувдан сўнг зудлик билан шифохонага келтирилди. Муштлашув шахсан "Црвена звезда" клуби президенти Драган Жаичнинг аралашувидан сўнг бартараф этилган. Табиийки, жамоанинг раҳбарияти футбол федерациясига мамлакат чемпионатидаги "ОФК Белград" жамоаси билан бўладиган учрашувни бошқа кунга кўчирилишини сўраб мурожаат қилган.

Ҳозир бу жамоа миллий чемпионатда азалий "рақиб"лари бўлган "Партизан" жамоасини тўққиз очкога ортда қолдирган ҳолда иккинчи ўринда бормоқда ва бор имкониятларини аҳволни ўнглаб олишга қаратган.

МАШҲУР ФУТБОЛЧИ БЎЛИШНИНГ ЮКИ ОҒИР

Колумбиялик собиқ футболчи Луис Аранго ўлдириб кетилган. Унинг жасади мамлакат шимоли-ғарбида жойлашган Антиокия департаментидаги қишлоқ ҳудудидан топилди.

Полиция маълумотларига кўра, у номаълум кишилар томонидан уйидан зўрлаб олиб кетилган. Жиноятчилар нима сабабдан бу ишга қўл уришгани ҳозир аниқланмоқда. Авендао Аранго ўтган асрнинг 80-йилларида "Депортиво Индепендьенте" жамоаси таркибида тўп сурган ва сўнгги вақтларгача Энвигадодаги спорт жамоасига устозлик қилган.



Баъзи мамлакатларда нафақат футболчи бўлиш, балки унинг қариндоши бўлиш ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Мана, салкам бир йил бўлаяптики, машҳур грузиялик футболчи Каха Каладзенинг ўтган йилнинг май ойида ўғирлаб кетилган укаси — Леван тўғрисида ҳеч бир дарак йўқ эди. Ниҳоят, яқинда бу жиноятда гумон қилинаётганлар қўлга олинганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинди.

Уларнинг отаси Карло Каладзенинг айтишича, ўтган йили жиноятчилар Леваннинг озод этилиши учун 600 минг доллар талаб этишган. Кейинроқ бу миқдор тўрт бараварга камайган. Қариндошлар ҳаммаси йиғилиб, бу пулларни уларга беришга қарор қилишганда, талончилар учрашувга келишга қўрқишди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

Миллий истиқлол йилларида сиёсат ва иқтисод соҳасидаги ислоҳотлар қатори маданият, оммавий ахборот воситалари ишларида ҳам сезиларли ислоҳотлар юз берди. Бугунги ўзбек журналистикасини техник воситалар билан таъминланиши жиҳатидан ҳам, ижодий кадрларнинг иш усуллари, малакалари жиҳатидан ҳам ўн беш, йигирма йил аввалги радио, телетидан ҳам ўн беш, йигирма йил аввалги радио, телевидениега тенглаштириб бўлмайди. Бугунги халқаро ахборот коммуникациялари шароитида Ўзбекистон журналистлари ишида бекиёс ўзгаришлар мавжуд. Бу ижобий ўзгаришларда жаҳондаги энг илғор журналистларнинг иш тажрибалари билан танишиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода таниқли журналистларимиз Фарҳод Рўзиев ва Абдукаюм Пардаев таржимасида ўзбек китобхонларига ҳавола этилаётган швециялик журналист Эрик Фихтелиуснинг "Журналистиканинг ўн қоидаси" китобининг ўзбек тилида нашр этилиши Ўзбекистон журналистларининг тажриба ва малакаларини янада ошириш учун хизмат қилади.

1. Жон-дилдан ишланг

"Яхши журналистика" – тингловчиларни, томошабинларни бефарқ қолдирмайди, уларга дунё хабарларини қизиқарли қилиб етказиб беради. Журналист ўзи айтаётган янгиликка бошқаларни қизиқтириши учун нима қилиши керак?

Мана бундай оддий тажриба ўтказиб кўринг: радио ёки телевизорни бураб, сўнгги ахборотларни эшитинг, газетанинг биринчи саҳифасини ўқиб чиқинг. Ярим соатдан кейин шу эшитганингиз, кўрганингиз, ўқиганингиздан нималар эсингизда қолганини аниқланг. Эҳтимол, ҳеч нарса эсингизда қолмагандир? Аммо ўтган кунларда эшитган, кўрган, ўқиганларингиздан баъзи қизиқ нарсалар ҳамон эсингизда тургандир? Нима учун шундай?

Иш нимадан бошланади?

Янги хабарларни беришда редакциялар янгиликларни йиғувчи ва тарқатувчи ахборот агентликлари билан яқин алоқада бўладилар. Аммо шу халқанинг бошида янгиликни топган, мазмунини тушунган ва баён қилган репортёр туради.

Репортёрнинг вазифаси – ўзи кўрган, эшитган, ҳис этган воқеаларни аудиториясига, тингловчиларига етказиб беришдир. Бунинг учун репортёрга ўша воқеани кимдир ҳикоя қилиб бериши керак. Аввало, ана шу воқеани кўрган, билган ҳикоячини топиш зарур. Шу ҳикоячи бўлмаса, янгилик ҳам бўлмайди. Янгиликни репортёрнинг ўзи ҳикоя қилиб берганида, шу воқеага ўзи қизиқиб қолиши, бошқаларда ҳам шунга қизиқиш уйғотиши керак. Демак, репортёр ахборотни маълум қилишдан ташқари, яхши ҳикоя қила билиши ҳам зарур.

Репортёрнинг қизиқ воқеани топиши – журналистликнинг бошланишидир. Яхши журналист ўз атрофида юз бераётган воқеаларнинг барчасига қизиқиши керак. У топган воқеа муҳим, қизиқарли, жамият учун ибратли ва фойдали бўлсин. Репортёр кўпинча юз бераётган воқеаларнинг шоҳиди, қатнашчиси бўлган ҳолда янгиликни биринчи кашф этувчи ҳамдир. Журналистнинг бошқа касб эгаларидан устун тарафи шуки, у юз берган воқеа ҳақида тингловчиларга, томошабинга, ўқувчиларга биринчи бўлиб хабар беради.

Репортёр ишида кўп тўсиқлар, қийинчиликлар учрайди. Бирор жойга бориб ёзиб келиш учун пули етмайди, ё вақти етмайди, ё гоя етишмайди, ё журъат етишмайди. Аммо, агар журналист жон-дилдан ишласа, бу машаққатларни енгиб ўтади. Бирор воқеани халқ оммасига айтсамми ё айтмасамми, деган савол қўйилса, у кўнгил амрига қараб иш қилади (Мабодо, у шу янгиликни ёзиб келиш ҳақида редакциядан топшириқ олмаган бўлса).

Пул билан вақтнинг етишмаслиги энг кўп учрайдиган тўсиқлардир. "Биз бу мавзуни кўтаролмаймиз, пулимиз йўқ", - дейди бўлим муҳаррири. Дунёдаги барча редакциялар, шу қаторда швед редакциялари ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечиради. Швеция радиоси ёки телевидениесида кун бўйи иккита репортёр ахборотларни "амаллаб" бериб туришади. Бундай шароитда "журналист текшируви" ёки "янгиликни ўзи ишлаб топиш" учун имконият йўқ. Аммо, жон-дилдан ишлайдиган журналистлар шунда ҳам йўлини топади, дангасароқ, ташаббуссиз репортёр ва редакторлар эса "ресурслар йўқлиги"ни баҳона қилиб ўтираверади. Ўз ишига берилган журналист эса, қаловини топиб, қорни ҳам ёндиради.

Қизиқиш ва холислик

Журналистлик касбининг зиддиятли, ғалати жиҳатларидан бири – мавзуга берилиб, қизиқиб ишлаш билан бирга ахборот, воқеа мазмунига холис бўлиб туришдир. Ҳар бир инсон бирор воқеага ўзича қарайди, ўзича баҳолайди. Репортёр эса юз берган воқеани иложи борича ҳаққоний, холислик ва назокат билан баён қилиши, воқеага ўз баҳосини, муносабатини беришдан тийилиши керак. Айтайлик, бирор жойда ёнғин ёки босқинчилик рўй берди. Репортёр бу ерда ўтни ўчиришга ёки бандитни қандай тутишга қизиқиб кетмаслиги, ўз фикрини билдирмаслиги, балки бўлган воқеани хабар қилиш билан чекланиши керак.

Тўғри, мавзуга, воқеага қизиқиб қараш керак, аммо холисликни ҳам сақлаш керак. Агар журналист холис турмай, ҳар бир воқеанинг оқибати ҳақида ўз фикрларини ҳам айтса, у журналист эмас, башоратчи, авлиё бўлиб қолади (Бу фикр ҳам мунозарали, ахборотчи ўз фикрини айтмаса ҳам, шарҳловчи журналистлар албатта, воқеага ўз муносабатини билдирадилар).

Аниқ бир мисолни олайлик. Бир вақтлар Болтиқ денгизига яқин Эресун бўғзида кўприк қурилиши мавзуи Швецияда жуда кўп муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлди. Қизиққон, эҳтиросли журналист дарров айтадики, бу мавзу жуда муҳим ва муҳокама, мунозараларга арзийди.Тарих – интригалар, баҳс, мунозара, эҳтиослар, маблағлар, конфликт-тўқнашувлар, сиёсат, экология муаммоларидан ҳоли эмас... Лойиҳа муаллифлари мақсадига кўра, бу кўприк – Болтиқ денгизи томонида жойлашган Эресун минтақасининг иккала қисмини, икки мамлакатни бир-бири билан боғлайди. Швециянинг Мальме шаҳри ва Дания пойтахти Копенгаген шу кўприк орқали янги маданий ва иқтисодий конгломерат - бирлашувга келиши мумкин. Бу кўприк техника жиҳатидан ҳам мураккаб ва гигант қурилиш лойиҳаси бўлиб, сон-саноқсиз иш кучи ва жуда катта миқёслардаги транспорт воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Бир жиҳатдан бу қурилиш фақат соҳиллардаги кўприк таянч устунлари яқинидагина эмас, балки бутун Болтиқ денгизи ва Эресун атрофидаги туманларнинг иқлими, экологиясига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жойлардаги ҳайвонлар, ўсимликлар, балиқ овлаш корхоналари зарар кўриши мумкин. Бошқа жиҳатдан бу гигант қурилиш Швеция ва Дания корхоналарига миллиардлаб кронли жуда катта инвестициялар келтиради. Эресун бўғзи узра кўприк қуриш керакми, йўқми, деган масалада Швеция ҳукумати аъзолари икки қарама-қарши гуруҳга бўлиниб кетдилар. Бундай ўткир, ўта қизиқ ва зиддиятли мавзу ҳар бир журналистни қизиқтириши табиийдир. Аммо бу вазиятда репортёрнинг, мухбирнинг вазифаси кўприк қурилиши зарурми, ё зарур эмасми, деган масалада ўз фикрини айтиш эмас, балки жамоатчиликни бу янгиликлардан холис хабардор қилиб туришдир.

(Давоми бор)



Мирзабек ҲОЛМЕДОВ — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Кўпчилик биринчи апрелни "Қизиқчилар куни", дейди. Йўқ, бу кўпчиликнинг айёми. Одамлар бир-бирига ҳазил қилиб, кулишиб дам оладиган кун. Биз учун эса томошабинлардан "масза қилдик, саломат бўлинг", деган сўзларни эшитган кунимиз байрам ҳисобланади.

Биринчи апрелда бўлган бир воқеадан сўнг шу куни ҳазил қилмайдиган бўлганман. "Халқлар дўстлиги" саройида концерт бераётгандик. Раҳматли Собит Асомов, Обиджон, Ботир ҳаммамиз келишдикда, мен саҳнага сал кечикиброқ чиқадиган бўлдим. Улар эса "сценарий" бўйича мен чиққунимча томошабинга ҳазил қилмоқчи бўлишди. Хуллас, саҳнага чиқишиб: "Ўртоқлар, бугунги дастуримиз бўлмайди. Мирзабек касал бўлиб қолди!" дейишди. Томошабинлар ҳазил деб ўйлаб ўтираверишди. Бироздан сўнг "Халқлар дўстлиги" саройининг бош режиссёри Абдурашид Раҳимов чиқди:

— Алдаётганимиз йўқ, Мирза ҳақиқатдан ҳам касал, кассага билетларингизни топшириб, пулларингизни олиб кетишларингиз мумкин.

Қарасам, халқ секин-аста туриб чиқиб кетяпти. Шартта саҳнага чиқдим-да: "Азизлар! Мен шу ердаман. Бу шунчаки ҳазил эди. Томошамизни бошлаймиз!" дедим. Шу пайт парда кўтарила бошлади. Қарасам, мен ҳам тепага қараб кўтарилиб кетяпман. Парданинг йўғон арқони оёғимга ўралиб қолиб, мени тепага кўтараётган экан, билсам. Томошабинлар "увв" деб юборишди. Агар зудлик билан парда туширилмаганида, балким Мирзабек Холмедов...

ШУНЧАКИ ҲАЗИЛ



Валижон ШАМШИЕВ — "Мирзо" театри актёри, "Келдию-кетди" фирмаси раҳбари:

— Яқинда бўлиб ўтган концерт ниҳоясида ташкилотчиларидан бири сўзга чиқиб: "Роппароса бир ҳафтадан кейин Валижоннинг туғилган куни", деди. Мен ҳайронман, ахир туғилган кунимга ҳали анча бор эди-да. Ўтирганлар эса "қий-чув" қилиб қарсак чалиб юборишди. Бунақа олқишни эшитиб ростанам туғилган кунимми-кан, деб ўйлаб қолдим. Акаҳонимиз эса биринчи апрелга шама қилган эканлар.

Бу кунни яхши кўраман. Кўпчилик бир-бирини алдашга интилади. Мен эса фақат шу куни бировларни алдамасликка ҳаракат қиламан.



Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Икки йил аввал Марғилон шаҳрига тўйга боргандик. Тўйхонага боргунча ҳамроҳлар билан бир жойда овқатланмоқчи бўлдик. Хуллас, овқатланиб чиқса, "тулпор" ("Тико" автомобили) йўқ. Яхшиям, кириб кетаётганимда кабобпазга "кўз-қулоқ бўлиб туринг!" деб тайинлагандим. Дарров, ўшанинг ёқасидан олдим. У бўлса, "Ака, шундоқ орқага ўтиб келгунимча йўқ бўлиб қопти", дейди. Кўп ўтмай, сир очилди. Марғилонлик мухлисларимиз кўплашиб "Тико"чамизни кўтариб юз метрлар узоққа олиб бориб қўйишган экан, ўшанда. Шунақа пайтда бундай ҳазиллар чинга айланиб кетса, нима бўларди? Яхшиям ўша куни биринчи апрел эди-я".

Абдурайим АБДУВАҲОБОВ — "Лаззат" ошхонаси бош ошпази, ҳаммамиз билган "Шум бола":

— Илк бор мактабда ўқиб юрганимда алдашган. Эрталаб мактабга борсак, кимдир "бугун ўқиш бўлмайди" деди. Бутун синф болалари хурсанд бўлиб, бақир-чақир қилиб уйга қайтиб келдик. Келсам, уйдагилар яна қайтариб мактабга юборишган. Чунки ўша куни биринчи апрель эди-да.

Уч-тўрт йилдан бери эса ҳеч ким алдагани ҳам йўқ. Менимча, алданмайдиган бўлиб кетдик шекилли (кулади). Бир йили "Обид-шоу"да бизнинг "Лаззат" ошхонамизни кулгу қилиб чиқишганди. Орадан бироз вақт ўтгач, яъни биринчи апрель куни эса "Обид-шоу" ижодкорлари биздан кечирим сўрашди. Буни кўпчилик жиддий тушунган экан. Бир куни бозорга кирсам, беш-олти мухлислар ўраб олиб, "Абдурайим ака, тўғрисини айтинг, ораларингда нима гап бўлди. Обид Асомов кечирим сўраётувди. Эшитишимизча, юзкўрмас бўлиб кетганмишсизлар!" деб миш-миш бошлаб қолишди. Мен эса "Бу апрель ҳазили эди-ку, ишониб ўтирибсизларми?" дедим, ҳаммаси кулиб юборишди.



Лекин мени анча йил аввал жуда боплаб алдашган. Кимдир уйимга телефон қилиб, "тўй"га айтди. Хизмат ҳақини келишдик. Эртасига соат 10.00да театрда кўришадиган бўлдик ўша акамиз билан. Хуллас, мен театрга келиб кута бошладим. Ичкарига кираман, ташқарига чиқаман, жуда безовтаман. "Ҳа, тинчликми?" деб сўраганларга ҳам: "Ўзим, шундай!" деб қўяман. Соат 11, 12, 13,14 бўлди ҳамки, ҳеч ким йўқ. Кейин ўйлаб қарасам, биринчи апрель экан. Жудаям алам қилганки, асти қўяверасиз. Эссиз "тўй", эссиз...

Тоҳир САИДОВ — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри:



— Одамлар билан доим ҳазиллашиб юрганимиз учунми, биринчи апрель кўпинча ёддан чиқиб қолади. Қизиқ воқеалар, кулгили ҳодисалар санъаткор ҳаётида кўп учрайди аслида. Бир гал биринчи апрелда Абдурайим Абдуваҳобов билан иккаламиз бир тўйда хизмат қилаётгандик. Ўша пайтлар "Кока-кола" ичимлиги қопқоқларидан "автомобиль" қисмларини йиғиш кенг тарқалганди. Билсангиз, автомобилнинг олд қисми чиқса ютуқли бўларди. Чунки қолган учта қисмини ҳамма йиғиб юрганди. Хуллас, тўйхонада давранинг ўртасига чиқдим-да, бир опахонни олдимга чақириб айтдим:

— Биламан сизда автомобилнинг учта қисми бор, тўғрими?

— Тўғри-тўғри, фақат олд қисми чиқса бўлди. Битта "Нексия"ли бўп қолардим.

— Мана бу, ўша "Нексия"нинг олд қисми. Мендан сизга совға. Мен шундай сахий, бағрикенг инсонман, дедим. Одамлар қарсак чалиб юборишди. Опахон эса қопқоқни қўлга ола-солиб, қарадию, юзларини буриб кулиб юборди. Ҳайрон бўлган тўйхонадагиларга эса Абдурайим Абдуваҳобов:

— "Нексия"ларимиз ҳали сероб. Бу шунчаки биринчи апрель ҳазили эди, деб тушунтириб қўйди. Ҳамма кулиб юборди.

ТО'ҲХАТ

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВга

Йигит: — "Икки эшик ораси"да югуриб юраверасизми? Юринг, кинога олиб борай.

Қиз: — Сиз билан етаклашиб юрсак, "Одамлар нима деркин?". Ахир, дўст бор, душман бор.

Йигит: — Сиз айтсангиз ҳам, айтмасангиз ҳам "Шамол эсаверади". Яхшиси, "Қалбингизга қулоқ сол"инг.

Қиз: — Тўғриси, менга "Нимадир бўлди". "Узун кечалар" тонггача сизни ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Йигит: — Чиндан айтаяпсизми, тағин бу "Тушда кечган умрлар"ингиздан бўлмасин.

Қиз: — Йўғ-э, "Бировнинг ташвиши" учун бош қотирмайман. Сиздай "Пўлат чавандоз"га кўнгил қўйсак, нима қипти?

Йигит: — Ҳайронман, аввалари йигитлар севги изҳор қиларди, ҳозир аксинча бўляпти. "Дунёнинг ишлари" қизиқ-да.

Қиз: — Ахир, ўзингиз кинога олиб бораман, дедингиз-ку, бу гапларни ўшанга айтяпман-да. "Сиздан угина, биздан бугина" деганларидек.

Йигит: — Сизга бу "Чўл ҳавоси" қаттиқ таъсир қилибдими, дейман-да?

Қиз: — Йўқ, менга баҳор таъсир қилибди, шекилли. Қаранг, бундай "Баҳор қайтмайди"да, ахир.

Йигит: — Ҳадеб баҳорни эслатаверманг, ҳозир "Шумлик" бошлаб кўяман.

Қиз: — Ҳаргиз ундай қилманг. Қаранг, атрофда одам кўп. "Нур борки, соя бор" деганларидек, улар ҳам бизнинг юриш-туришларимизни "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"га ёзиб қўймасинлар, тағин.

Йигит: — Келинг, яхшиси, бориб устозга бир овоздан "Тўйлар муборак" дейлик.

Қиз: — Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов ҳамиша навқирон бўлиб юраверсинлар.

Йигит: — Айтганингиз келсин!





Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расмлар

ГУЛ ПАЙРОВИ

Махсум ака: — Ҳасанбой, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?

Ҳасанбой: — Айтганингизман!

Махсум ака: — Сизни роса мақтаб, гузарга олиб чиққанимда, гулчилар сизга қараб, "Бу кунгабоқар экан-ку", деганини билганмисиз?

Ҳасанбой: — Мен ҳам сизнинг нархингизни ошириб, кўргазмага қўйиш учун олиб чиқаман деганимда: "Бўлмайди, тувагим синиб қолди, деганингизни билганмисиз?

Махсум ака: — Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Ҳаваскорларни тўплаб туриб, сизни "Бўтакуз" деб мақтаганимни билганмисиз?

Ҳасанбой: — Сизни, Махсум ака, гул бозорига олиб чиққанимда, одамлар қараб туриб, "Ҳусни Юсуф" экан деганини билганмисиз?

Махсум ака: — Ҳасанбой, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз. Сизни чиройлик қилиб, целофанга ўраб туриб, "Букет" деганимни билганмисиз?

Ҳасанбой: — Махсум ака, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Ўртоқларимиз сизни "Роза" деб томоша қилишганини билганмисиз?

Махсум ака: — Ҳасанбой, сизни яхши гул деб эшитгандим. Тувакда ўсадиганмисиз, ёки "осиб қўядиган"иданмисиз?

Ҳасанбой: — Ўзингиз хонаки атиргулмисиз, ёки "Сиз Қашқар" гулмисиз?

Махсум ака: — Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Идишларга мослашиб қолибсиз ё "Чинни" гулмисиз?

Ҳасанбой: — Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Одамлар ҳавас қилиб, шохингиздан синдириб олса, арзийдиганданмисиз ёки ҳақиқий "Гули беор"мисиз?

Махсум ака: — Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Гоҳ очилиб, гоҳ беркиниб турасиз ёки "Куёв гул"мисиз?

Ҳасанбой: — Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Гулчилар сизни яхши атиргул экан деб, "Тагингиздан пархама" қилганини билганмисиз?

Ҳасанбой СУЛТОНОВ

«САНЪАТКОР БЎЛМАСАМ, ОШПАЗ БЎЛАРДИМ»

Ёш қизиқчи Искандар Ҳамроқулов билан суҳбат

Ўзбекистонда Ҳамроқуловлар сулоласини танимаган киши бўлмаса керак. Марҳум санъаткор Рустам Ҳамроқуловнинг фарзандлари Искандар ва Самандар санъат йўлини танлашди. Самандар — ёшларнинг севимли хонандаси, Искандар эса отаси каби сўз устаси. Искандар Ҳамроқулов ҳозирда Тошкент Давлат санъат институти қошидаги ёш миниатюрачилар студиясида ижод қилмоқда.



— Суҳбатимизни болаликдан бошласак.

— Болалигимизда онам бўш вақт топишлари билан бизга рубоб, дутор, доира чалишни ўргатардилар. Шу тариқа менда болаликданоқ санъатга меҳр уйғонган. Мактабда эса фақат "4 ва 5" баҳоларга ўқиганман.

— Илк бор саҳнага чиққанингиз ёдингиздами?

— Илк бор Намангандаги драма ва комедия театрида укам Самандар билан "Ёш истеъдодлар" кўрик-танловида иштирок этдик. Шу-шу саҳнада турли роллар ижро эта бошладик.

— Кимларга ҳавас қиласиз?

— Мирзабек Холмедов, Ҳожибой Тожибоев, Валижон Шамшиевлар санъатини ҳурмат қиламан. Қолаверса, "Ҳандалак" кўрсатуви ижодкорлари Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевлар билан ҳам ака-укадекмиз.

— Баъзи санъаткорлар ярқ этиб кўзга ташланади-ю, бироз танилгач, аввалги маҳоратларидан асар қолмагандек, ўртамиёна санъаткорга айланиб қолишади.

— Бунга сабабчи санъаткорнинг ўзи. Халққа танилгач, феълатвори ўзгаради. Ўзларини етук санъаткор ҳисоблаб, изланмай қўйишади. Бунинг оқибатида эса санъатлари хазонга айланади. Бундай санъаткорлар, афсуски, ҳозир ҳам учраб туради.

—Ҳаётдаги шиорингиз?

— Ҳаётда ягона шиорим бор: "Онам дуосини олиб, фақат олдинга интилиш", мен ҳамиша шу шиорга амал қиламан.

— Кўпчилик санъаткорнинг оиласига қизикади...

— Биз оилада уч фарзандмиз. Укам Самандар — ёш хонанда, синглим Севара — талаба. Онам эса ҳозирги кунда мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради.

— Ҳар бир инсоннинг орзулари бўлади...

— Орзуим онажонимни Францияга олиб бориб, денгиз орти мўъжизаларини кўрсатиш. Қолаверса, илк устозим — отам ва отадек азиз бўлиб қолган устозим Эргаш Каримовдек таниқли сўз устаси бўлмоқчиман. Яна бир орзуим эса Америкага бориб актёрлик соҳасида таълим олиб қайтиш.

— Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?

— Бўш вақтларимда уйда ошпазлик қиламан. Кўп таомларни тайёрлаш қўлимдан келади. Санъаткор бўлмаганимда, албатта, ошпаз бўлардим.

— Режаларингиз...

— Ҳозирги кунда танловга тайёрланяпман. Унда, иштирок этиб ўзимни синаб кўрмоқчиман.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА суҳбатлашди

КУЛГИ БЕКАТИ

Спортнинг фигурали учиш турига қатнашиш истагида келган йигитдан мураббий сўрамоқда:

— Конькида муз устида юра оласизми?

— Ҳа, болалигимдан бери шуғулланаман.

— Ҳўш, натижалар қандай?

— Ҳозиргача бир оёғим, бир қўлим икки жойидан синган.

* * *

Афандини подшо юз дарра уришга буюрган эди.

Афанди соқчилардан илтимос қилди:

— Дарра келгунча ётқизиб, баданимни шапалоқлаб туринглар.

Бунинг сабабини сўрашган эди, Афанди деди:

— Дарра келгунча этим ўлиб, дарра еганим билинмайди.

* * *

— Болалар қаердан пайдо бўлишади? — савол берди боғча опасига Раъно.

— Лайлаклар олиб келишади.

— Ие, ўзингиз кеча: лайлаклар баҳорда учиб келади" дедингиз-ку, — ажабланди Улуғбек. — Наргиза қишда туғилган. Уни ким олиб келган?

* * *

Боксчи ўйиннинг эртасига рақибини кўргани касалхонага келди. Йўлакда ҳамширани учратиб, ундан сўрабди:

— Кечирасиз, кеча ўнинчи палатага келинган беморнинг аҳволи қандай?

— Ҳаммаси жойида... Фақат пастки жағини жойига қўёлмаяпмиз.

Холхўжа БАДИЕВ тайёрлади

Тошкент вилояти "Асака" банк филиали томонидан хусусий тадбиркор Рихсиев Улуғбек Фозилович номига № 0061951 0061975 рақамли берилган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат техника университети томонидан Умурзоқов Равшан Абдуҳамидович номига 1991 йил июлда ФВ № 973474 рақамли берилган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Саҳифани Хуршид РЎЗИЕВ тайёрлади

БОШҚОТИРМА



ЭНИГА: 1. Олмос ўлчови. 3. Субтропик мева. 5. Ўзбек автомобили. 7. Муқимийнинг уловга бағишланган асари. 8. Муборак кунга номдош Айний асари. 12. Серилдиз бегона ўт. 13. Белоруссиядаги вилоят маркази. 14. Кучли шамол, бўрон. 15. Фарғона вилоятидаги шаҳар. 17. Англия футбол клуби. 20. Ўтмишда карвонлар тўхтайдиган манзил. 23. Ҳарф териш қурилмаси. 25. Қизлар исми. 26. Дўппи тури. 28. Тиббиётда фойдаланиладиган элемент. 29. Суюқ таом. 31. Майда савдогар. 32. "Шайтанат"даги образ. 33. Қурилишбоп дарахт. 34. Хитой ҳудудидаги тоғлик. 35. Ҳарбий хизматни ўтаётган киши.

БЎЙИГА: 1. Чингиз Айтматов қаламига мансуб асар. 2. Пардоз анжоми. 3. Ўзбекистон халқ шоири, моҳир ғазалнавис. 4. Мўйнали, кемирувчи жонивор. 5. Туркманистон пул бирлиги. 6. Жиззах вилоятидаги туман. 9. Улов тури. 10. Қишлоқ хўжалиги соҳаси. 11. Европадаги пойтахт шаҳар. 15. Аслаҳа, яроғ. 16. Мусобақанинг бошланиш пайти. 18. Жисмоний тарбиянинг таркибий қисми. 19. "Морена Клара" сериали қаҳрамони. 21. Башар. 22. Миртемир қаламига мансуб лирик қисса. 24. Фуқаролик гувоҳномаси. 25. Сабр-бардош, ирода. 26. Ўзбек маърифатпарвари, "Фарғона тарихи" асари муаллифи. 27. Хоҳиш, майл. 29. Автомобилсозлар шаҳри. 30.Йилда икки марта ҳосил берадиган дарахт.

Тузувчи: Фарруҳ ЭРМАТОВ, Фарғона вилояти Бувайда тумани 12- мактаб ўқувчиси

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдували ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — *Термизда:* 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — *Бухорода:* 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — *Гулистонда:* 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — *Фарғонада:* 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — *Самарқандда:* 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — *Урганчда:* 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — *Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70*

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Воҳид БОЙМУРОДОВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ